



ЭСЛАТМА:

КИМДАН:

**Мақтаб директорлари,
раҳбарлар ва ота-оналарга
Др. Дон Коберли
Мақтаблар раҳбари**

Таълим муҳим жараёнлардан бири ҳисобланади ва ўтказиб юборилган ҳар бир ўқув куни ўқиш имкониятларнинг йўқотилиши деганидир. Бироқ, Boise мактаб туманининг асосий ғамхўрлиги шундаки, у барча ўқувчиларнинг хавфсизлиги ҳақида ўйлайди, жумладан, ўқувчиларнинг мактабга автобусда, яёв ёки велосипедда келаётганда хавфсиз бўлишини ўйлайди. Агар ўқувчилар мактабга хавфсиз етиб кела олмасалар ёки агар мактаб хавфли об-ҳаво туфайли хавфсизликни таъминлай олмаса, дарслар қолдирилиши мумкин.

Биз қишки нормал об-ҳаво кунлари дарсларни бекор қилмаймиз. Енгил ёққан қор, совуқ тонглар ёки музлаган жойлар мактабларни ёпишга сабаб бўладиган хавфли об-ҳаво шароити ҳисобланмайди. Тегишли эҳтиёткорлик чораларини кўриб жумладан, иссиқ кийим кийиб олиш, йўлларни эритиш ва транспортни эҳтиёткорлик билан ҳайдаш орқали ўқувчилар мактабларига хавфсиз етиб кела оладилар.

Boise мактаб тумани Ada округининг 450 квадрат мил ҳудудида жойлашган. Туман бўйича шароитлар ҳар хил эканлигини, ҳатто баъзи ҳолларда бир кўча билан бошқа кўча ўртасидаги шароитлар ҳар хил бўлишини тан оламиз. Бир ҳудудда шароит кескин хавфли бўлиши мумкин, шу билан бир вақтда бошқа жойда аъло даражадан хавфсиз бўлиши мумкин. Агар ота-она боласининг мактабга бориши хавфли деб ҳисобласа, улар боласини уйда олиб қолишлари мумкин. Агар бирон бир мактабдаги дарслар бекор қилинса, дарслар бутун туманда бекор қилинади.

Мақтаблар энг кўп дуч келадиган хавфли об-ҳаво шароитлари қуйидагилардир: Boise

ҚОР ЁҒИШИ: Boise шаҳридаги қор ёғиш даражаси енгил ёки мўътадил. Бироқ, қаттиқ қор ёғиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлиб машина ёки яёв юриш хавфли бўлиб қолиши мумкин. Одатда, асосий қор ёғишлари фақатгина йўл ҳаракатининг секинлашувига ва шаҳар бўйича кам автомобил тўқнашувларига сабаб бўлади. Мўътадил ёққан қор мактаб дарсларининг бекор қилинишига сабаб бўлмайди. Boise

СОВУҚ ҲАВО: Қаттиқ совуқ бўлиши, қор ёққанга қараганда мактабни ёпиш қарорини қабул қилишга жиддийроқ сабаб бўлади. Қаттиқ совуқ кунлари бизнинг асосий хавотирланадиган нарсамиз, талабаларнинг мактабга яёв келиши. Қаттиқ совуқ ҳаво шунингдек, автобусларимизнинг ҳаракатланишини қийинлаштиради, натижада болаларни йўлдан олиш кечикади, ўз навбатида совуқ йўлдаги ҳаракатлантирувчиларга хавф туғдиради.

МУЗЛАШ: Ер музлаши қишдаги энг хавфли об-ҳаво шароити ҳисобланади. Ёққан ёмғир музлаши ва/ёки эриган қорнинг қайта музлаши йўлларимизни, кўчаларимизни ва йўлакларимизни йўловчилар ва велосипедлар учун кескин хавфли қилиб қўяди. Музлаш шарт-шароити бошқа хавфли шароит бўлмаса ҳам бизни мактабларни ёпишга мажбур қилиши мумкин.

Мактабни ёпиш ёки ёпмаслик ҳақида қарор қандай қабул қилинади? Транспорт агентликлари, об-ҳаво бюрolari, автoйўллар, шаҳар ва округ ҳуқуқ тартибот агентликлари ва мактаб маъмурияти вакиллари, жумладан, Раҳбар йўлларни тун ва саҳар соатларида текшириб туради. Қарор қабул қилиш учун тонгда телефон орқали маслаҳатлашамиз.

Агар мактаб ёпиладиган бўлса, биз маҳаллий радио ва телевидение орқал хабарни тарқатамиз. Шунингдек, биз ота-оналарга электрон почта орқали хабар берамиз ва маълумотни қуйидаги сайтга чоп этамиз <http://www.boiseschools.org/emergency/index.html>